

Камтарликда камол кўрдим

Куни кеча пойтахтимизнинг «Халқлар дўстлиги» саройида ёш умидли ижодкорларнинг «Ниҳол» танлови голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ўттиз нафар хайъат аъзоси икки ой давом этган тинимсиз қиёслаш, тахлилу мунозаралар ниҳоясида 120 номзод орасидан 10 тасини муносиб топди. Шуларнинг биттаси — ёш хонанда Шахлохон Рустомова.

Одатда унинг ёшидагилар камтарлик кўчасидан кўра, имкони борича дабдаба шоҳсупасида бўлишни маъқул деб ҳисоблайдилар. Тилларида бўлмаса-да, дилларида буни тан оладилар. Лекин Шахло...

Шахло 1974 йилда Фарғонада туғилган. Отаси соҳнада бўлиб, тасвирий санъат соҳасида ҳам қизиқиши кучли бўлган. Шахлони кўшиқчиликка рағбатлангирган инсон, энг аввало, отаси эди. «Қизим, сен фақат саҳнада кўшиқ куйлашинг керак. Лекин ким бўлишингдан қатъи назар, унутма: энг муҳими, одам бўл. Бошинг осмонга етганда ҳам камтарлик энг биринчи фазилатинг бўлсин», деган ота қизининг омалди кунларини кўролмади. 51 ёшида юрак хуружидан вафот этди.

Шу-шу, Шахло 1998 йили миллий эстрада кўрик танловида иккинчи ўринни, 1999 йилда «Ўзбекистон — Ватаним меним» республика кўрик-танловида биринчи ўринни олиб, гул-

ларга кўмилганида ҳам, турмушга чиқиб, фарзандли бўлган кезларида ҳам ҳамisha сипороқ, муҳими, назокатли аёл бўлишга интилди.

Кўшиқлари мусикаларни аксарият ўзи басталайди. Беш-олтита ўртамеъна асар

бор. Шу кунларда у «Элим» деб номланган янги кўшигини тайёрламоқда. Турмуш ўртоғи Исмоил Рустомов ҳам продюсер, ҳам чолғучи. У гуруҳда доира чалади.

Шахлонинг овсини, таниқли хонанда Дилфуза Ра-



ёзгандан кўра, бир-иккита бўлса-да, тузукроқ кўшиқ яратган маъқул, деб ҳисоблайди. Репертуар ранг-баранг, кучлироқ бўлиши учун моҳир бастакорлар билан ишлаш режалари ҳам

ҳимова билан муносабатини билмоқчи бўламан. «Дилфузахон билан муносабатларимиз жудаям яхши. Хабарингиз бор, яқинда у кишининг яккахон хонанда сифатидаги концертлари

бўлди. Дастур учун зудлик билан иккита янги кўшиқ яратиш зарурати туғилди. Мен дарҳол ўзимнинг ҳали бутунлай тайёр бўлмаган иккита янги кўшигини тавсия этдим. Шунақа масъулиятли дамларда бир-биримизга ёрдам берамиз.

Табийки, саҳнада хонанданинг ўзини тутиши, кийиниши кўшиқ маъномазмунидан келиб чиқиши лозим. Баъзи ёш, ҳатто ўрта авлод санъаткор аёллар турли ранг-баранг темир-терсақларни осиб олишади, қуюқ бўёқлар, бичими антиқа кўйлақларда чиқишади. Ўзларига ярашиб турса майли, аммо кўпинча кулгу бўлиб қолаётганларини сезмайдилар. Томошабинларнинг диди, савияси ўта ноциклигини, у кўшиқ айтган саҳнада бу нарса ҳисобга олиниши кераклигини унутмаслик лозим. Шу жиҳатдан олганда «Ниҳол» муқофоти совриндори Шахло Рустомовада оддийлик, меъёрни тутиш ҳислатлари сезилиб туради.

Зеро, ҳар қандай хонанда кўшиқ куйлаётганда миллионлаб ёшлар учун тарбия намунаси бўлишини унутмаслиги лозим.

Мамлакат НОРМУРОВОДА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мусаввирларимиз муваффақияти

Мустақиллик йилларида юртимизда қадимдан шакланган ноёб мусаввирлик анъаналарини асраш, ўрганиш, бойитиш, тасвирий, амалий, миниатюра санъатимизнинг нодир дурдоналарини жаҳонга олиб чиқиш ва тарғиб этишга улкан аҳамият қаратилаётир. Рассомларимиз яратётган

асарлар халқимиз онги ва қалбига миллий гурур ва ифтихор, Ватанга садоқат каби туйғуларни сингдиришга хизмат қилмоқда.

Шу йил июль ойида Жаҳоний Корейда бўлиб ўтган Осиё ижодкор аёллари иккинчи санъат фестивалида Япония, Хитой, Ҳиндистон каби бошқа давлатлар ва-

киллари билан бир қаторда мамлакатимиз мусаввирлари ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Бундай нуфузли кўргазмада илк бор иштирок этганига қарамай, беш нафар мусаввиримиз фахрли учинчи ўринни эгаллади. Шоира Қўзиёваннинг «Болалikka қайтиш», Зебо

Шарипованинг «Анорлар» натюрморти, Шаҳноз Абдуллаеванинг устоз мусаввир Чингиз Аҳмаров хотирасига бағишланган асари, Исkra Шин ва Татьяна Лининг она табиигимиз манзаралари акс этган суратларини анжуман хайъати юқори баҳолади.

Назозат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.



«Камалак-ТВ»


ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

серқуёш Ўзбекистон халқини республика

МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 11 ЙИЛЛИК АЙЁМИ

билан чин дилдан муборакбод этади!

Барчага сиҳат-саломатлик, фаровонлик, қувонч, сеvimли Ватанимизнинг порлоқ келажagini яратишдек бунёдкорлик ишларида улкан зафарлар тилаймиз!



«Камалак-ТВ» ҚҚ.

ЁАЖ «ШОШТРАНС» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

барча ўзбекистонликларни улуғ байрам —

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг

11 йиллиги

билан чин юракдан самимий муборакбод этади.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, эзгулик ва фаровонлик, азиз Ватанимиз Ўзбекистоннинг равнақи ва гуллаб-яшнаши ўўлидаги бунёдкорлик меҳнатингизда янғидан-янғи зафарлар тилаймиз!





ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК
ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ

ХАЛҚ БАНКИ

республикамиз аҳолисини

ЎЗБЕКИСТОН
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
11 ЙИЛЛИК АЙЁМИ

билан самимий муборакбод этади

1991-2002

Сиз азия юртдошларимизга тинчлик-омонлик, оилавий бахт тилаб,
ўзининг янги, манфаатли шартлардаги «ТАНТАНА», «ФАХРИЙ» ва
«САРМОЯ ПЛЮС» омонатларини таклиф этади.

- «ТАНТАНА» — қисқа муддатли, ютуқли омонатига пул маблағлари 90 кун муддатга қабул қилиниб, йиллик 25 фоиз миқдорда даромад тўланади. Сиз омонатингизга ҳисобланган фоизли даромадларни олиш билан бир қаторда, 1000 сўмдан 2 000 000 сўмгача бўлган мингдан ортиқ пул ютуқлари совриндорлари бўлиш имкониятига ҳам эгасиз. Ютуқ эгалари жорий йил декабрь ойининг биринчи 10 кунлигида аниқланади.
- «ФАХРИЙ» — 1 йил муддатли жамғариладиган омонатига пул маблағлари фахрийлар ва нафақахўрлар номига қабул қилиниб, йиллик 30 фоиз миқдорда фоиз даромадлари тўланади. Ҳисоб варақаси буйича кирим ва чиқим операциялари чегараланмаган миқдорда амалга оширилади.
- «САРМОЯ ПЛЮС» — жамғариладиган омонатига пул маблағлари 6 ой муддатга қабул қилиниб, йиллик 28 фоиз миқдорда фоиз даромадлари тўланади. Омонатдаги пул маблағларига ҳисобланган фоиз даромадлари ҳар ойда омонат қолдигига қўшиб борилади ва келгуси ойда янги омонат қолдигига нисбатан фоизлар ҳисобланади.

Омонатларга пул маблағлари Халқ банкининг барча бўлиmlари ва шохобчалари орқали қабул қилинади.

ХАЛҚ БАНКИ — АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ САҚЛАНИШИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН ЯҲОНА БАНҚДИР!

Халқ банки — сизнинг оилангиз банки!

Ўзбекистон Очиқ жамият институти —
Кўмак жамғармаси

Ўзбекистон халқини
Муствақилликнинг
11 йиллиги билан муборакбод
этади.

Барчангизга тинчлик,
бахт-саодат ва
фаровонлик тилайди.

Азиз юртдошлар!


Тошкентдаги Мирзо Улуғбек номли
маданият ва истироҳат боғи жамоаси

Ўзбекистон халқини энг улуғ ва энг азиз айём -
Истиқлолнинг 11 йиллиги
байрами билан чин кўнгулдан қутлайди.

Шу қутлуғ кунлар арафасида сизларга узоқ уйр, бахт-саодат,
омад ва муствақам соғлиқ тилаймиз.
Муқаддас юртимизнинг шон-шўхрати янада зиёда, диёришимиз тинч, осмонимиз
доимо мусатфро бўлсин. Озодлик қуёши мангу порлайверсин!

Қадрли қўстлар!
Байрам шодиюналари кўни орамгоҳимиз жамоаси
сизнинг хизматингизда бўлиб, кўнгилли
хордиқ, чиқаришингизга ўз хиссасини
кўшишга ҳозирлик кўрмоқда.

Боғимизга марҳалат қилинг!



АБН АМРО БАНК ЎЗБЕКИСТОН МБ А.Ж.

**Меҳнатсевар ва меҳмондўст
Ўзбекистон халқини
буюк байрам —
Мустақилликнинг ўн бир йиллиги
билан чин қалбдан
муборакбод этади!**


**Барчангизга
оилавий бахт-саодат,
фаровонлик ва мустаҳкам
саломатлик тилаймиз!**

«Авиализинг»

авиакомпанияси

**Ўзбекистон халқини
улуғ байрам — Мустақилликнинг
11 йиллиги билан чин қалбдан
табриклайди.**

*Ўзбекистон халқига мустаҳкам соғлиқ,
тинчлик-тотувлик ва мустақил
Ўзбекистон давлатининг гуллаб
яшнаши ва ривожланиши йўлидаги
олдига қўйган барча мақсадлари амалга
ошишини тилайди.*



«СУВЖИХОЗГАЗ»

**Ўзбекистон-Хитой
қўшма корхонаси жамоаси**

**энг ақил байрам —
Мустақилликнинг 11 йиллиги
билан Ўзбекистон халқини чин дилдан
муборакбод этади.**

**Мамлакатда мудом тинчлик
ва омонлик барқарор бўлишини истайди.**

Мустақиллик ва тинчлик абадий бўлсин!

«Сувжихозгаз» қўшма корхонаси

Бизнинг манзилимиз:

**Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
«Чилонзор» мавзеси, 20-даҳа, 19/3-уй. Телефонлар: 117-15-56, 117-15-45.**

